

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов	

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkур услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

УДК: 631.4

СҮХ КОНУС ЁЙИЛМАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЎЗГАРИШЛАРИ**ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПОЧВ СОХСКОГО КОНУСА ВЫНОСА****THE ECOLOGICAL AND MELIORATIVE CHANGES IN THE SOIL OF SUKH CONE SPREAD****В.Ю.Исаков, А.Н.Хошимов****Аннотация**

Мақолада Сүх дарёси конус ёйилмасида шаклланған суфориладиган тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва тупроқлари таснифи ёритилген. Тупроқларнинг механик таркиби, генетикавий мөжияти ва систематик ҳолати күрсатилған.

Аннотация

В статье охарактеризованы химические и агрохимические свойства орошаемых почв, сформированных в конусе выноса реки Сох, экологико-мелиоративное состояние и классификация почв. Показаны механический состав, генетическая сущность и систематическое состояние почв.

Annotation

In article describes properties of irrigated soils of the Sukh river cone, ecosystem-reclamation state and classification of soils, agrochemical properties of soils developing on the territory. The mechanical composition of soils, genetic basis and systematic condition of soils are shown.

Таянч сүз еа иборалар: конус ёйилма, кольматаж, агроирригацион қатлам, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, тупроқ эволюцияси, генетикавий қатлам, гумус, карбонатлы қатлам.

Ключевые слова и выражения: конус выноса, кольматаж, агроирригационный горизонт, лугово-болотные почвы, эволюция почв, генетический горизонт, гумус, карбонатный слой.

Keywords and expressions: drift cone, colmatage, agro-irrigation horizon, meadow-bog soils, soil evolution, genetic horizon, humus, carbonate layer.

Фарғона водийсининг, хусусан Сүх дарёси конус ёйилмаси тупроқлари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотларни А.Ф.Миддендорф (1882), В.Наливкин (1887) асарларида учратамиз. Тизимли тупроқ-географик тадқиқотлар XX асрнинг ўнинчи йилларида ғұза өкіни учун яроқли майдонларни аниқлашни назарда тутган “Күчирувчилар бошқармаси” томонидан амалга оширилди. Бу ишларни Құқон уездіда В.Н.Таганцев (1914) бажарди. Навбатдаги тадқиқотлар тупроқ-мелиоратив, ирригация ва мелиорация, янги ерларни ўзлаштириш ва унумдорлигини ошириш каби мақсадларда ўтказилди. Албатта, бу тадқиқотлар водийни қамраган, унинг бир томонида эса Сүх дарёси конус ёйилмаси жойлашған. Конус ёйилманинг тупроқ қолпамини ўрганишда 1931-1932 ва 1049 йилларда М.А.Панков [5,7-159], 1934-1935 йилларда Н.В.Кимберг, Б.Л. Пудовкин [4], 1939-1940 йилларда А.З.Зайчиков ва бошқалар фаол бўлғанлар. Бу тадқиқотларда ёйилма тупроқларнинг генетикавий мансублиги ва гидроморф табиати кашф этилди, ирригацион қурилишларга асос бўлган мелиоратив хосса ва хусусиятлари аниқланди, агрокимёвий хоссалари ўрганилди ҳамда агрокимёвий хариталар тузилди. “Узгипрозем” институти (1960-1963 йй.) амалга оширган йирик масштабли тупроқ съёмкалари

маълумотлари асосида хўжаликларнинг 10000, туманларнинг 50000 ва вилоятларнинг 200000 масштабли тупроқ хариталари тузилди. Бу хариталар 70-80 йилларда қайта корректировка қилинди.

Сўнги ўн йилликларда Сүх конус ёйилмаси ва унга туташ ҳудудларда бир қатор тадқиқотлар ўтказилиб, тупроқларнинг тадрижий ривожланши [2,40-43], геокимёси [10], кимёвий ва физикавий хосса ва хусусиятлари, унумдорлиги ҳамда уларнинг ўзгаришлари [9,328], мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш бўйича кўплаб янги маълумотлар олинди. Бу маълумотлар ўтган аср тадқиқотлари натижаларидан жиддий фарқ қиласи ва тупроқлар унумдорлигининг сифат ҳолатини қайта баҳолашни, холоса ва тавсияларни амалиётта кенг татбиқ этишни, тупроқ ресурсларидан фойдаланишга замон талаблари даражасида ёндашишни тақозо қиласи.

30-йилларда ўтказилган тупроқ тадқиқотларида Сүх конус ёйилмасининг ўрта қисмидаги суфориладиган ўтлоқи-ботқоқ, суфориладиган тўқ ва оч тусли ўтлоқи, суфориладиган ўтлоқи тупроқлар, перифериясида эса турли даражада шўрланған суфориладиган ва қўриқ ўтлоқи

В.Ю.Исаков – ҚДПИ, биология фанлари доктори, профессор.

А.Н.Хошимов – ҚДПИ, мустақил тадқиқотчи.

ҳамда турли шўрхоклар ажратилиб, уларга нисбатан биринчи марта “саз” атамаси кўлланилган [5,7-159].

Саз (соз) атамасини фанга А.И.Безсонов ва Л.И.Прасоловлар киритган, бу сўз “тоғ этагидаги ўтлоқ” маъносини англатади [3,298; 7,111]. Соз тупроқлар сизот сувлари билан боғланган нам тартиботининг доимишлиги шароитларида ривожланади. Дарё водийларида сизот сувларининг чуқурлиги фасллар давомида кучли тебранади. Конус ёйилмаларда эса бундай тебранишлар кучсиз ифодаланган ҳамда уларнинг максимум сатҳи ёз ойларига тўғри келади. “Соз” атамаси тупроқларнинг механик таркиби билан ҳам боғланган, чунки тоғ этакларининг периферияси, тоғолди текисликларининг литологик тузилишида оғир механик таркибли жинслар, хусусан гиллар, яъни созлар устуворлик қиласи.

Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг [1] ишлаб чиқкан ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида [6,224] қабул қилинган “Ўзбекистон тупроқлари таснифи”да сугориладиган тупроқлар воҳа тупроқлари номи билан тип даражасида ажратилган ва нима учун ажратилганилиги жуда мукаммал асосланган. Бу таснифда воҳа тупроқларининг генетикавий моҳияти ва систематик ҳолати 1) тупроқнинг минтақавий мансублиги ва минтақанинг ичидаги ҳолати (автоморфлиги, гидроморфлиги) ва 2) сугориладиган дехқончилиқда фойдаланиш натижасида юз берган ўзгаришлар даражасига кўра белгиланади [6,224]. Воҳа тупроқларининг тадрижий ривожланиши янги ўзлаштирилган, сугориладиган ва воҳа босқичларида давом этади.

Аммо “воҳа тупроқлар” атамаси ўзбекистонлик тупроқшунослар орасида кам кўлланиладиган бўлиб қолди. Охири ўн ийлларда нашр этилган илмий адабиётларда, жумладан “Фарғона водийси сугориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги” [9,328] номли монографияда ҳам, “Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи”да [11] ҳам, “Фарғона вилояти атласи”да ҳам, вилоятларнинг тупроқ хариталарида ҳам, бошқа кўплаб илмий нашрларда ҳам “эскидан (ёки қадимдан) сугориладиган”, “янгидан сугориладиган (сугориладиган)” тупроқлар атамалари кўлланилган. Улар тупроқларни тип даражасида акс эттирмайди, улар яхлит жараённинг босқичларини ифода этади. Демак, тупроқшуносларнинг анжуманларида бу

масалани муҳокама қилиш ва бир тўхтамга келиш зарурияти бор.

Маълумки, Сўх конус ёйилмаси табиий географик шароитларида кўра юқори, ўрта ва қуий қисмларга бўлинади. Юқори қисми “яланғоч” тош-шағаллардан, қум-шағалли жинслардан таркиб топган, ҳудуд юзасининг анчагина қисми қум, қумлоқ ва енгил қумоқ каби кальмотаж жинслари билан қопланган. Чучук сизот сувлари катта чуқурлиқда жойлашган, юзаси очиқ, ҳимояланмаган. Ер ости сувлари захираси катта бўлиб, ер ости сув омбори ҳисобланади. Бу сувлар Кўқон шаҳри ва унинг атрофи учун ичимлик суви вазифасини ўтайди.

Конус ёйилманинг юқори шағалли қисмida инсоннинг омилкорлиги туфайли “кальмотажланган тупроқлар” номини олган сунъий тупроқлар юзага келган. Уларда сабзавот, полиз ва техник экинлар етиштирилади, мевали боғлар кенг ривож топган. Кальмотаж қатлами қалинлиги 20-50 см.дан 1-1,5 м гача бўлиб, тупроқ кесмасида суформа дехқончилиқда фойдаланиш даврининг узоқ-яқинлигига кўра агрориригацион қатлам ажралади. Унинг остида генетикавий қатламларга табақаланмаган қум-қумоқ ва қум-шағалли жинслар ётади. Гумус миқдори устки қатламда 0,5-0,8 %, айрим жойларда 1% га ётади.

Конус ёйилманинг шағалли ҳудудида чорвачилик ва паррандачилик комплекслари жойлаштирилган, катта-кичик корхоналар ишга тушган ва янгилари қурилмоқда (спирт заводи, мелькомбинат, цемент, бетон цехлари), тадбиркорлик обьектлари (ДСП, шифер, йўлка қоплама плиталари ва ҳ.к.), ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари учун ўзлаштириш жараёни ҳам жадал тус олган. Кальмотажланган ер майдонлари кенгаймоқда.

Бу ҳудудда эркин иқтисодий зона режалаштирилган, унинг қурилиши жадал давом этмоқда. Ер юзасидаги ҳар қандай ўзгариш ер ости сувларига таъсир қиласи. Тош-шағалли қатламларнинг сув ўтказувчанилиги юқори, инфильтрация кучли. Натижада яқин ўтмишда юқори сифатга эга бўлган Сўх ер ости сув омбори сувларининг сифати бузилган, улар айни вақтда иккинчи категорияга ўтиб қолган.

Хозирда сув сарфи 14,47 (3,21-44,48) м³/сек (1964 й.гача - 41,4 м³/сек) бўлган Сўх дарёси узоқ ўтмишда серсув бўлган, тоғ дарасидан водийга чиқкан жойидан тармоқларга бўлинниб, шимолий-ғарб, шимол ва шимолий-шарқ йўналишларида тўлиб-тошиб оқкан. Сувлари Сирдарёга қуйилган. Дарё ва тармоқлар ўзани ўзгариб турган. Тармоқлар оралиqlарида улар келтирган оқизиқларнинг

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

ётқизилишидан радиал чүзилгандын ясси баландликлар да үзан атрофларыда кенг ботиқликлар юзага келген. Баландликларнинг литологик тузилишида енгил механик таркибли жинслар устуворлик қиласы, шунга мувофиқ сизот сувлари сатхи чуқурлоқ жойлашган да яхшироқ бўйлама да ёnlама оқимга эга. Радиал ботиқликларнинг грунтлари кўпроқ оғир механик таркибли, сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган, оқими жуда суст.

КФК ёйидан 4-4,5 км жанубда шағаллар сатхи ер юзасидан чуқурлаша бошлайди, шу жойдан конус ёйилманинг, сизот сувларининг ер юзасига яқинлашиш да сизиб чиқиш гидрогеологик минтақасига мос келадиган ўрта қисми бошланади. Унинг литологик тузилишида қумлоқ, турли қумоқ да гилли жинслар иштирок этади. 3-8 м. чуқурлиқдан шағалли ётқизиқлар бошланади. Ҳудудда зовурлар тўри кучли ривожланган бўлиб, улар воситасида гидрокарбонатли да гидрокарбонат-сульфатли чучук сизот сувлари сатхи 1-1,5 м. чуқурлиқда ушлаб турилади.

Конус ёйилманинг юқори да ўрта қисми учун характерли бўлган радиал чүзилгандын ясси баландликлар да улар ўртасидаги ботиқликлар конуснинг кўйи қисмидаги текисланиб кетади. Умумий кучсиз нишаблик шимол, шимолифарбга йўналган. Ҳудуднинг литолог тузилишида кўп қатламли қумоқ, гил, қум да қумлоқлар иштирок этади. Табиий ҳолда бу ҳудуд сизот сувларининг турғун зонаси ҳисобланади. Аммо ҳозир сизот сувларининг сатхи коллектор-зовурлар тўри ёрдамида 1,5-2,0-3 м. чуқурлиқда сақланади. Уларнинг ўтмишда ўрта да кучли бўлган минерализацияси ҳозирда ўрта да кучсиз даражагача пасайган. Уларнинг кимёси сульфатли.

Сўх дарёси конус ёйилмаси чўл минтақасида жойлашган да унда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни гидроморф шароитларда кечади. Бу ҳудудда сугорилма дехқончилик кўп асрлик тарихга эга. Сугориш сувлари келтирилмаларнинг ётқизилишидан тупроқ хосса-хусусиятларининг ўзгариш даражасини белгиловчи агроригацион қатлам ҳосил бўлган. Чўл воҳа тупроқлари ҳосил бўлиши жараёнининг биринчи босқичида тупроқларнинг табиий хоссаларида ишора қилувчи белгилар сақланиб қолган, агроригацион қатлам қалинлиги ҳайдалма қатлам қалинлиги (20-30 см) доирасида чекланган. Бу ҳолларда тупроқлар типча даражасида – сугориладиган ўтлоқи да сугориладиган ўтлоқи-боткоқ тупроқлар номи билан, ўзига хос янги хоссаларга, белгиларга

эга бўлган 50-60 см. қалинлиқдаги агроригацион қатламли тупроқларни ўтлоқи да ўтлоқи-боткоқ воҳа тупроқлари номи билан ажратдик.

Саз тартиботидаги сугориладиган боткоқ- ўтлоқи тупроқлар конус ёйилмаси ўрта қисмининг шағалли юқори минтақачага яқин жойларida тарқалган. Бу тупроқларнинг морфологиясида агроригацион қатлам аниқ шаклланган эмас. 20-25 см ли ҳайдалма қатлам кўкимтирижилвали тўқ сур тусли, майдада кесакча структурали, унинг остида зич қовушмали мергеллашган, глейли қатлам ётади. А.Н.Розанов [8,460] да М.А.Панков [5,7-159] бўйича да уларга таяниб Н.В.Кимберг [3, 298] келтирган маълумотларда гумус миқдори сугориладиган боткоқ- ўтлоқ тупроқларда 2-4 % бўлганлиги кўрсатилади. Аммо бизнинг тадқиқотларда бу кўрсаткич 1,7-1,8 %, жуда кам ҳолларда 2% дан ошади. Гумус миқдорининг камайиши сугориладиган дехқончилик шароитларда микробиологик жараёнларнинг кучайиши, шунингдек, 60- йиллардан бўён тинимсиз экилган ғўза да беаёв қўлланилган минерал ўғитлар билан боғлиқ, Айтиш жоиз, сугорилма шароитларда гумус миқдорининг камайиши илмий адабиётларда кенг ёритилган.

Тупроқлар шўрланган эмас, гипс миқдори жуда кам. Тупроқ кесмасида яққол ифодаланган карбонатли қатлам мавжуд. Карбонатлар миқдори юқоридан пастга томон ортиб боради да карбонатли қатламда 15-20% га ётади да ундан ошади.

Ўтлоқи-воҳа соз тупроқлар Сўх дарёси конус ёйилмасининг катта майдонларини эгаллаган. Бу тупроқлар воҳа тупроқлари пайдо бўлиши жараёнининг юқори босқичини ифодалайди. Деярли бир хил механик таркибли да оч кўкимтири-сур тусли агроригацион қатлам 30-60 см қалинликка эга. Гумус миқдори бу тупроқларнинг устки қатламида 1,5-1,7% бўлиб, тупроқ кесмасининг кўйисига аста-секинлик билан камаяди.

Ўтлоқ-воҳа соз тупроқлар кесмаси учун юқори карбонатли қатлам тавсифли. Бу қатлам ўта зич, цементлашган бўлиб, “шох” номи билан юритилади. Унда карбонатлар CO_2 си миқдори 25-27 % га ётади да баъзан 30 % дан ҳам ортади.

Тупроқларнинг механик таркиби конус ёйилманинг ўрта қисмидаги ҳам, кўйи қисмидаги ҳам М.А.Панков [5, 7-159] тавсифлаганидек, турли хил: ясси баландликларнинг юзаларида енгил қумоқли да қумлоқли тупроқлар жойлашган, баландликларнинг ёнбағирликлар бўйлаб оғир да ўрта қумоқли тупроқлар, ясси ботиқликларда эса гилли тупроқлар

жойлашган. Бу тавсиф тупроқтаги – замини жинсларига ҳам тегишли. Замин жинсларининг механик таркиби қум ва қумлоқдан оғир қумоқ ва гилгача ўзгаради. Оғир механик таркибли қатламларда қум ва қумлоқ қатламчалар ва линзалар учрайди.

Сўх дарёси конус ёйилмасида шакл топган ўтлоқи-воҳа соз тупроқлар кесмасининг яна бир хусусиятига эътибор бериш лозим. У ҳам бўлса кўп йиллар давомида тинимсиз берилаётган техника ишловлари натижасида юзага келган ҳайдов ости берч қатламиdir. Унинг қалинлиги 5-10-20 см тенг, зичлиги 1,6-1,7 г/см³ га етади, баъзан ундан ҳам ортади. Бундай зичликдаги қатлам ўсимликлар илдиз тизимининг эркин ривожланишига имкон бермайди, натижа эса ҳосилдорликнинг пасайишида ифода топади. Берчни юмшатиш зарур, аммо тадқиқотларимиз давомида ёйилма худудида бундай чора-тадбир қўлланганига оид маълумот топа олмадик.

Шундай қилиб, инсон омилиниң ер ресурсларига бўлган кучли таъсири Сўх дарёси конус ёйилманинг юқори тош-шағалли қисмида кузатилмоқда. Худудни ўзлаштириш ҳалқ хўжалиги ривожланишидан келиб чиқадиган зарурият, аммо унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжудки, улар атмосфера ҳавосининг буғланишида, чиқиндиларнинг тўпланишида, оқар сувларнинг ифлосланишида, қолаверса, ер ости ичимлик сувлари сифатининг ўзгаришларида, гипсометрик қўйи ҳудудлардаги мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашувида намоён бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв Узбекистана // Известия Узбекистанского филиала географического общества СССР. Том VI. –Т., 1962.
2. Исақов В.И., Отабоев А. Сўх дарёси конус ёйилмаси тупроқларининг генетикавий – географик ўзгаришлари //География: тарих, назария, методлар, амалиёт. Респ.имл.амал.конф.мат. –Т., 2010.
3. Кимберг Н.В. Почвы пустынной зоны Узбекской ССР. –Т.: «Фан», 1974.
4. Кимберг Н.В., Пудовкин Б.Л. Почвы Кокандского района УзССР и эффективность минеральных удобрений. Известия СоюзНИХИ. –Т., 1936
5. Панков М.А. Почвы Ферганской области. В кн. Почвы Узбекской ССР. Том 2. –Т.: Изд. АН Уз ССР, 1957.
6. Почвы Узбекистана. –Т.: «Фан», 1975.
7. Прасолов Л.И. Почвы Туркестана. - Л.: Издание Комиссии по изучению естественных производительных сил СССР при РАН, 1926.
8. Розанов А.Н. Сероземы Средней Азии. –М.: Изд. АН СССР, 1951.
9. Фаргона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. –Т.: "Navro'z", 2017.
10. Юлдашев Г., Исагалиев М. Геохимия почв конусов выноса. –Т.: "Фан", 2012.
11. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қолламлари атласи. –Т., 2010

(Тақризчи: F.Юлдашев – қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор).